

Гендер-ҳуқуқий экспертизани ўтказиш бўйича Канада тажрибаси

Г.А.Ишанханова

- самостоятелъный соискатель ТГЮУ,**
- комиссар МКЮ (ICJ, Женева),**
- руководитель правового отдела ННО**

«Центр научных, социальных и гуманитарных инициатив «Оила»»

31.10.2022 г.

КАНАДА

- **Канада** 1981 йилда СЕДАВ конвенциясини ратификация қилган. 1985 йилда Канада Ҳуқуқ ва эркинликлари Хартиясининг жинс бўйича камситишни тақиқлаш тўғрисидаги 15 ва 28-бўлимлари қабул қилинган.
- Фуқароларнинг жинсидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги нафақат бошқарув жараёнида иккала жинсга нисбатан бир хил чораларни қўллаш сифатида тушунилади, балки, аксинча, баъзи ҳолларда турли хил усуллардан фойдаланишни ўз ичига олади (асосийси пировардида аёллар ҳам, эркеклар ҳам тенг мавқега ва тенг имкониятларга эга бўлишлари лозим), чунки ҳуқуқ ва давлат бошқарувига кўра гендер тенглиги нуқтаи назаридан **"нейтрал"** кўринадиган қоидалар амалда камситишга олиб келиши мумкин.

- Канада 1995 йилда Пекин харакатлар Дастурини қўллаб-қувватлади, унда бошқарув жараёнида ҳуқуқий-норматив актларни гендер экспертизадан ўтказишга чақирилган.
- 1999 йил Хотин-қизларнинг ишлари бўйича Канада бошқармасида Гендер таҳлили Департаменти ташкил этилган.

• Хар беш йилда **Гендер тенгликни**
таъминлаш Миллий Режаси қабул
қилинади, унда **хотин-қизлар ва**
эркакларнинг тўла тенглигини
таъминлашга қаратилган **давлат**
вазифалари белгиланади, яъни:



1

**Хукумат доирасидаги барча вазирлик
ва агентликларда гендер таҳлилини
ўтказишни таъминлаш;**

2

**Хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини
ва барқарорлигини таъминлаш;**

3

**Аёлларнинг руҳий ва жисмоний
соғлиғини яхшилаш;**



4

**Жамиятда зўравонликни камайтириш,
шу жумладан аёл ва болаларга нисбатан;**

5

**Барча соҳаларда гендер тенгликка
эришиш;**

6

**Хотин-қизларни бошқарувда
қатнашишлари учун шароитлар яратиш;**



7

**Вазирлик
ходимлари
эришиш
яратиш;**

**ва агентликлар
орасида гендер тенгликка
учун қулай шароитлар**

8

**Глобал гендер тенгликни қўллаб-
қувватлаш.**

- Шу билан бирга, **гендер таҳлили** кўпчилик Канада расмийлари фаолиятининг **ЭНГ муҳим таркибий қисмларидан бирига айланди.**
- Кўп штатларда **меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни гендер таҳлили орқали гендер тенглигини таъминлаш бўйича органлар, махсус бошқармалар ташкил этилди ва алоҳида ходимлар тайинланди.**

Гендер тенглигини таъминлаш учун ходимларга қўйиладиган талаблар:

- Сиёсат, дастурлар ва қонунчиликда мустаҳкамланган аёллар ва эркекларга нисбатан адолатли муносабатда бўлишини таъминлаш сиёсатни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланувчи барча шахсларнинг масъулиятига киритилган.
- Ушбу масъулиятни тўлиқ рўёбга чиқариш учун сиёсатни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланувчи шахслар гендер масалалари ҳақида тегишли тушунчага эга бўлиши керак.
- Ўз вазифаларини самарали бажариш бўйича кўникмалар ва билимлар ўқитиш, ҳаётий ва касбий тажриба, шунингдек, махсус ишлаб чиқилган стратегия ва усуллар орқали ривожлантирилади.

Гендер экспертизасини Регламенти бир неча босқичдан иборат:

1. Муаммони аниқлаш.

- Ушбу босқичда НХХнинг реал ҳаёт билан алоқаси ўрганилади, бунинг учун статистик маълумотлардан фойдаланилади ёки махсус сўровлар ўтказилади, муаммонинг мумкин бўлган сабабларини, унинг бошқа омиллар билан алоқасини аниқлашга, мутахассисларнинг эҳтимолий ноҳолислигини бартараф этишга қаратилган таҳлиллар (масалан, ижтимоий жинс / тажриба / кадриятлар / эътиқодлар / қарашлар / мутахассиснинг иш шартлари муаммони тушунишга таъсир қилади) ва бошқалар.
- Сўров ўтказилаётган респондентларни ёши, иши (борми ёки йўқми), таълим даражаси, фарзандларининг борлиги, оилавий аҳволи ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда аёллар ва эркекларга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Асосий саволлар:

- **1. Муаммо нимадан иборат? У ҳақда ким атоқда?**
- **2. Муаммонинг сабаблари нимада?**
- **3. Эркак ёки аёлнинг фикрига кўра муаммо қандай ўзгаради?**
- **4. Қайси факторлар бу муаммога таъсир қилади?**
- **5. НҲХга ўзгартиш киритилиши билан ушбу муаммони ечиш мумкинми?**



Қабул қилинган НХХнинг натижаларини аниқлаш

- Ушбу босқичда НХХни қабул қилиш аёллар ва эркакларнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий ҳолатига қандай таъсир қилиши ўрганилади.
- Масалан, жамият ҳақ тўланадиган ёки тўланмайдиган ишларга талаб қилинадиган ёш аёлларнинг меҳнатини адолатсиз баҳолайди: аёлларнинг иш ҳақи одатда пастроқ бўлади. Ҳомиладорлик, иш йўқотиш, уйсизлик ёш аёллар ва эркакларга турлича таъсир қилувчи омиллардир.
- Ушбу босқичда аёллар ва эркакларга тегишли статистик маълумотлар ўрганилади, ёш аёл ва эркаклар, ижтимоий заиф гуруҳлар, ННТ ва гендер масалалари билан шуғулланувчи гуруҳлар, тадқиқотчи гуруҳ ва хизматлар билан суҳбатларда уларнинг тажрибалари сўралади.

Асосий саволлар:

- **Қабул қилинган НҲХнинг кучга кириши қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?**
- **Бунда гендер тенглиги тамайилларини бузиладими?**
- **Гендер тенглиги нуқтаи назаридан салбий оқибатлардан олдини олиш мумкинми?**
- **Бунинг учун ушбу НҲХга ўзгартиришлар киритишим керакми ёки бошқа НҲХни қабул қилиш керакми?**

Ш. Бевосита ўрганиш объектининг таърифи.

- Таҳлил қилинган НХХда **жинсга хос** ("аёл", «эркак", "жинс", "оналик", "оталик" ва бошқалар) атамалар ишлатилган нормалар аниқланади.
- Сўнгра, тўғридан-тўғри жинси ифодаланган атамаларни ўз ичига олмасада, лекин шу билан бирга, **бевосита ёки билвосита, эркак ёки аёлнинг ҳуқуқий ҳолатига турли йўллар билан таъсир кўрсатиши мумкин бўлган нормалар ажратилади.**

Асосий саволлар:

- Қандай атамалар ва тушунчалар **жинсга хос** (бевосита ёки билвосита)?
- Қайси **ахборот ресурсларида** ушбу соҳадаги гендер муаммолари ҳақида **маълумотлар бўлиши мумкин?**
- Ушбу маълумот **манбаларига ишониш мумкинми?**
- Маълумот тўплашда **ким ҳамкор бўлади?**

- Ахборот ва маслаҳат ресурсларини аниқлашда гендер нуқтаи назарини ҳисобга олиш учун қуйидагилар тушунилади:
- турли гуруҳларга (жумладан, ногиронлар, айрим гуруҳларга мансуб) нисбатан адолатлилик масалаларига оид маълумотлар жинсий фарқларини ҳисобга олган ҳолда эркаклар ва аёлларга тегишли статистик маълумотлар қайта ишланиши керак;
- "нозик" масалаларни (масалан, жинсий зўравонлик ёки оилавий зўравонлик) ҳал қилишда **маҳаллалар ва аёллар гуруҳи экспертларининг маслаҳати ва иштирокини фаоллаштириш зарур;**
- жинсий фарқларни ҳисобга олган ҳолда қайта ишланган маълумотлар кўпинча ёпиқ бўлади, шунинг учун **муайян тажриба, маъмурий маълумотларни ўрганиш орқали маълумот излаш керак.** Тўғридан-тўғри тадқиқот ўтказиш ва бирламчи гендер маълумотларини яратиш керак;
- ноёб ва универсал маълумот одатда анъанавий манбаларда мавжуд эмас ва уларни **ННТлар билан маслаҳатлашиш орқали олиш мумкин.**

IV. Ҳуқуқий ҳужжат нормаларини таҳлил қилиш.

- Бу босқичда ҳуқуқий ҳужжатларнинг барча нормалари таҳлил қилинади. **Бевосита ёки билвосита камситиш аниқланади.**
- Аниқланган гендер муаммосини ҳал этишнинг кейинги **мониторинги** **механизмлари аниқланади**, чунки айнан НҲХни (бошқарув қарори) амалда қўллаш жараёнида кўпинча олдиндан кутилмаган гендер тенглиги тамайилларининг бузилишига олиб келади.

Асосий саволлар:

- Ушбу НХХнинг жинсга хос нормаларининг аҳамияти нимада?
- Тўғридан-тўғри гендер мазмунига эга бўлмаган нормалар жинсларнинг ҳолатига таъсир қилиши мумкинми?
- **Аёллар, эркаклар, қизлар, ўғил болалар** учун ушбу НХХнинг қабул қилиниши қандай оқибатларга олиб келади?
- Агар ҳозирги босқичда НХХнинг гендер таъсири бўйича аниқ хулосалар қилиш мумкин бўлмаса, келажакда **қандай кузатишлар ва тадқиқотлар ўтказилиши керак?**

V. Қабул қилинаётган НХХда мавжуд гендер тенгликни таъминлаш механизми институционал таҳлили

- Бу жараёнда масала билан шуғулланувчи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рўйхатини тузиб, уларнинг фаолиятини таҳлил этиш таклиф этилади.
- Ушбу органлар ҳудуд ва функциялари билан ажратилади (давлат, ҳудуд миқёсида).
- Гендер масалаларини ҳал этишда давлат идоралари ва мансабдор шахслар ўзаро қандай ҳамкорлик қилишади.
- Жинсга ҳос нормалар амалиётда қандай ижро этилади.
- Шу жумладан, НХХнинг ижроси пайтида гендер тенглик тамойили таъминланиши механизми аниқланади

Ушбу босқичда хулоса тайёрлаш учун:

- суд статистикасидан фойдаланиш;
- жамоатчилик фикрини сўровини ёки пилот тадқиқот ўтказиш;
- экспертлар ўртасида сўров ўтказиш;
- тадқиқот мавзуси бўйича бошқа маълумотларни (масалан, ОАВ хабарлари) таҳлил қилиш, унда таҳлил қилинаётган НХХ томонидан тартибга солинадиган муносабатлардаги камситиш фактлари қайд этилганига қараш.

- **VI. Кўриб чиқиладиган НХХ нормаларининг миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари билан ўзаро боғлиқлиги.**
- **VII. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тузатишлар киритиш бўйича таклифлар вариантларини ишлаб чиқиш**
- **Агар ўтказилган ГХЭ натижасида жинслардан бирининг аҳволини ёмонлаштириш эҳтимоли аниқланса, ушбу муаммони ҳал қилиш вариантларини ишлаб чиқиш керак.**

Мисоллар:

- Гендер таҳлили жараёнидан фойдаланиш ёш аёллар ва эркеклар учун махсус натижаларни аниқлашга ёрдам беради.
- Мисол учун, ёш оналар ва уларнинг фарзандлари – моддий таъминот олишлари мумкин, ва улар **ижобий ота-оналикка ўргатилса, ҳолатлари яхшиланиши мумкин**. Бироқ, гендер таҳлили билан аниқланган бошқа натижалар ҳам мумкин:
 - ❖ ўқиётган ёки ишлаётган ёш ота-оналарнинг фарзандлари учун болалар боғчаларини янада мослашувчан жойлаштириш;
 - ❖ ёшлар меҳнат бозорига чиқиб, ўз ҳаётини ўзи молиялаштира олса, натижада уларнинг ижтимоий тизимга оғирлиги камаяди.
- Бундай ўқувлар давлат ва ҳуқуқий секторларнинг партнёрлигида таъминланади, бунда **болалар муассасалари махсус қўлланилади ва бошқа жинсга ҳос эҳтиёжлар ҳисобга олинади**.

VIII. Якуний ҳулоса ва тавсиялар:

- **Гендер таҳлилининг якунида ҳуқуқий ҳужжатга унда қанчалик гендер тенглик тамойили таъминланишига баҳо бериш лозим, ва агар унинг ижроси пайтида гендер муаммолар пайдо бўлса, уларни ечимини таклиф этиш керак.**

IX. Гендер ҳуқуқий экспертиза натижаларини эълон қилиш зарур



- Шундай қилиб, Канада хотин-қизлар ва эркакларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган институционал механизм ташкил топган ва самарали ишламоқда, бу эса яхши ҳаёт самарасига таъсир этади.
- Шу сабабдан ҳуқуқий ҳужжатларни экспертизасини ўтказишда гендер жиҳатларини ҳисобга олиниши зарурлиги қонунда мустаҳкамлаш муҳимдир, давлат ҳукумат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатларни ГҲЭ ўтказиш регламентини қабул қилиш керак.

ГҲЭни қўллаб-қувватлаш учун гендер тадқиқотларда янги ва муҳим ташаббуслар кўрсатилди

- Масалан, 1996 йилда ўтказилган миллий маслаҳатлар натижасида Канаданинг **Хотин-қизлар ишлари бўйича вазирлиги** илмий тадқиқотлар **Жамғармасини** тузди. Асосий мақсад - гендер тенгликка эришишдаги сиёсий муаммоларни ечимига қаратилган муҳим тадқиқотларни ўтказиш эди.
- Жамғарма амалиётда гендер тенгликни таъминлашдаги пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни, бор камчиликларни аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотларни молияштиради, ҳамда хотин-қизларни манфаатини кўзлайдиган сиёсат ва дастурларни ўтказиш учун амалий тавсия ва муқобил ечимлар ишлаб чиқади.

- **Жамғарма тадқиқотнинг устувор йўналишлари ва мавзуларини белгилашда, молиялаштириш учун таклиф этилаётган тадқиқот лойиҳаларини танлашда ва якуний тадқиқот натижалари сифатини назорат қилишда муҳим рол ўйнайдиган ННТ вакилларидан иборат кичик ташқи қўмитага эга.**
- **Тугалланган тадқиқотлар орасида қуйидаги тематик йўналишлар мавжуд:**
 - **аёлларнинг одил судловга эришиши,**
 - **аёлларнинг ҳақ тўланадиган ва тўланмайдиган меҳнати;**
 - **аёллар орасида қашшоқликнинг тарқалиши ва**
 - **сиёсатни тадқиқ этиш, ишлаб чиқиш ва самарадорликни таҳлил қилишда аёллар муаммоларини интеграциялаш**
- **Тугалланган тадқиқотлар натижалари ҳамма учун очиқ ва Канада аёллар ишлари бўйича федерал департаментининг веб-сайтида ҳам жойлаштирилган: <http://www.swc-cfc.gc.ca>**

Канаданинг қайси амалиётини қўллаш мумкин?

- ГҲЭни мажбурий ўтказилишини қонунда белгилаш
- Барча НҲХлар давлат органларида ГҲЭдан ўтишига эришиш
- Хар бир вазирлик ва идорада ГҲЭни ўтказишга мутахассисларни таёйёрлаш
- Давлатда йиғиладиган барча статистик маълумотлар жинс бўйича йиғилишини таъминлаш
- Журналистларни гендер тенглик тамойилини бузмасдан муаммоларни ёритишга ўргатиш
- Гендер тенгликни глобал миқёсда таъминлашга қаратилган ташаббуслар билан чиқиш

